Ўзбекистон Республика кутубхонаси



ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 апрель куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ташқи савдо ташкилоти (ЖЕТРО) раиси Тору Тоёшимани қабул қилди.

Мазкур ташриф Япония ҳукумати ва ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ўсиб бораётганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари японияликлар меҳмонларни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, ЖЕТРО дунёнинг кўплаб мамлакатларида амалга ошираётган кенг қамровли ишлардан яхши воқиф эканини қайд этди.

— Сизлар бугунги кунда Ўзбекистон эга бўлган имкониятлардан лозим даражада хабардорсизлар, — деди Ислом Каримов. — Шу маънода ўзаро ахборот алмашувини ҳам бугунги давр талаблари даражасига олиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тору Тоёшима қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этар экан, мазкур ташриф чоғида Ўзбекистоннинг турли вазирлик ва идораларидаги учрашувлар ғоят самарали бўлгани ҳамда кичик ва ўрта бизнес ривожига бағишланган Ўзбекистон — Япония семинари муваффақиятли ўтганини қайд этди.

Суҳбат чоғида ўзаро амалий ҳамкорлик алоқалари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

Қабул маросимида Японияниинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К. Обата ҳозир бўлди.

(ЎзА)

***СУРАТДА:** қабул пайти.*

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 25 апрель, шанба • № 50 (22.287).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

* * *

Японияниинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ташқи савдо ташкилоти раиси Тору Тоёшима раҳбарлигидаги делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Учрашувда Бош вазир Ўткир Султонов Ўзбекистон билан Япония, хусусан, мазкур ташкилот ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади. Ўзаро ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, Япония фирма, компанияларининг мамлакатимизга қизиқиши ортаётганини қайд этди.

* * *

Жиззахда оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари бош врачлари ва мутахассислар қатнашди.

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгеси «Ватаннинг мард фарзанди бўлсанг — ўзингни меҳнатда кўрсат» деган мурожаат қабул қилди. Мурожаатдан руҳланган қишлоқ меҳнаткашлари шу кунларда ғайрат камарини боғлашган.

* * *

Садриддин Айний таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Давлат санъат музейида ёзувчи сиймоси кўзга кўринарли жойга қўйилди. Мўйқалам устаси Юсуф Елизаровнинг 1951 йили мойбўёқда яратган «Садриддин Айний портрети» ўзига хослиги билан ажралиб туради. Асар бевосита адибнинг ўзига қараб яратилган.

* * *

Гулистонда янги «Меҳрибонлик уйи» фойдаланишга топширилди. Унда тўйлар ва оилавий маросимларни ўтказиш кўзда тутилган. У қадриятлару анъаналаримизни тиклаш ва бойитишга хизмат қилади.

* * *

Навоий вилоятида «Аёл, ёшлар ва жамият» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни республика Хотин-қизлар қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси минтақавий ваколатхонаси уюштирдилар. Анжуманда хотин-қизлар қўмиталари раислари, ёшлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

* * *

Ўзбекистон бадиий академияси кўргазмалари залида таниқли рассомлар — Т.Саъдуллаев ва Л.Резниковлар асарларининг кўргазмаси очилди.

Шахсий кўргазмаси очилган Темур Саъдуллаев тасвирий санъат ихлосмандларига яхши таниш. Кўргазмада ижодкорнинг сўнгги йигирма йил ичида яратган асарлари намойиш этилмоқда. Лев Резников қарийб қирқ йилдан буён ижод қилиб, ранг-баранг асарлари билан мухлислар қалбини ром этиб келмоқда.

(ЎзА ва ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди).

АСР БЎСАҒАСИДАГИ ҚУЛЛИК

Яқинда Покистон марказий ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг аралашуви туфайли 60 деҳқон эркинликка эришди. Улар яқин кунларгача ҳам Синд вилоятидаги плантацияларда ҳақиқий қуллар сингари яшар эди.

Ишониш қийин дерсиз. Бироқ, бу — бор гап. XXI аср бўсағасида сайёрамизнинг айрим бурчакларида ҳукм сураётган урф-одат ва маросимларни ўрганиш мана шундай ҳодисаларнинг юз бериб туришини кўрсатди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Покистон миллий комиссияси экспертларининг тасдиқлашича, қулларнинг кўпчилигини майда диний мазҳабларга мансуб деҳқонлар ташкил этар экан. Бироқ, бу ҳол маҳаллий аҳоли орасида норозиликни ошираги ва марказий ҳокимият тезлик билан чора кўради, деган гап эмас.

Бутун тизим XVI асрнинг «Энг яхши» анъаналарига асосланган. Қарзини тўламаганлар ёки ер эгаларининг амридан озгина бўйин товлаганлар қул қилиб олинаверган. Меҳнат унумдорлигини оширишни «рағбатлантириш» воситаси сифатида кишанлар ва мунтазам калтаклашлардан фойдаланилган. Исёнга майли бор айрим хизматчиларга келганда эса, назоратчилар уларнинг оила аъзоларига нисбатан, аёл ва болачақаларини қўшиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган зўравонликларни қўллашдан ҳам тоймайди. Айниқса, қулларнинг қизлари, хотинлари ва оналари номусига кўпчилик бўлиб тажовуз қилиш ҳоллари кенг ёйилган. Ҳосилни йиғиб олиш учун бепул ишчи кучи масаласи кўпинча ана шу тариқа ҳал этилади. Айрим ҳолларда ҳар бир аёл 10-12 тагача никоҳсиз бола туғади. Бу болаларни ҳам келажакда бир умр қуллик ҳаёти кутади, албатта.

Қочишга ва ҳокимиятга ёрдам сўраб мурожаат қилишга журъат этган кам сонли исёнчилар ҳалигача қаттиқ жазоланади. Синд вилояти мансабдорлари шундай бир қулнинг шикоятига совуққонлик билан сукут сақлаб қараган. Маҳаллий матбуот ҳам худди шундай йўл тутган. Натижада бир неча ҳафтадан кейин исёнкорнинг калтакланган мурдаси топилди — у оёғидан осилган ҳолатда эди. Бу — замонавий қул эгалари бошбошдоқлигининг жонли мисолидир. Бошқа ҳолларда эса, «қочоқ қуллар» дарра билан ўлгунча саваланган ёки ўтиб кетаётган машинадан ўқ узиб ўлдирилган.

Бу йил вазият айниқса кескин тус олди. Карачи ва Лоҳур шаҳарларида аёл чўрилар бош кўтариб чиқишди. Улар ҳокимиятдан инсон ҳуқуқларининг ёвузларча поймол этилишига чек қўйишни талаб қилишди. Айрим маълумотларга кўра, бир неча минг одам кишанбанд ҳолатда сақланмоқда. Айни пайтда қул эгалари ўз «мулк»и савдоси билан фаол шуғулланмоқда. Бир қулнинг нархи 500 дан бир неча минг долларгача боради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг фаолият эркинлиги ғоят чекланган. Улар эга бўлган ягона ҳуқуқ — қул эгасига қул учун талаб қилинган пулни тўлаб қўйишдан иборат. Покистон парламентида жамоатчилик эътиборини жалб этиш ва бу кескин мавзуни кўтариб чиқиш борасида қилинган ҳаракатлар ҳозирча қудратли ер эгаларининг қаттиқ қаршилигига дуч келмоқда. Ақл бовар қилмайди, бироқ «ҳурматли шахсларни обрўсизлантириш ва агрокомплекс тараққиёти суръатини сусайтиришга чек қўйиш» зарурати демократик давлатдаги энг оддий қоидаларга риоя қилишдан муҳимроқ бўлиб қолаётгани барчага аён бўлиб турибди.

Internet тармоғи материаллари асосида, 1998 йил, апрель.

«АГАР ОГОҲ СЕН»

Яқинда Тошкент Давлат университетининг маданият саройида иқтидорли ижодкор, журналист Нарзулла Жўраевнинг «Агар огоҳ сен» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Унда республика «Маънавият ва маърифат» маркази раиси, ёзувчи Неъмат Аминов, адиб Хуршид Дўстмуҳаммад, дорилфунун ўқитувчилари ва талабалар иштирок этишди.

Муаллиф талабалар саволларига жавоб берар экан, китоб яратилиши жараёнидаги тафсилотлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Тақдимот маросими барча иштирокчиларда қизғин таассурот қолдирди.

Тўлқин ТУРСУНОВ

Газета саҳифаланаётган пайтда:

РОССИЯ НИҲОЯТ БОШ ВАЗИРГА ЁЛЧИДИ

Россия Федерацияси Давлат Думасининг кеча бўлиб ўтган якунловчи мажлисида Бош вазирликка номзодга овоз бериш маросими бўлди. Ниҳоят, икки сафарги мажлисда етарли овоз ололмаган Сергей Кириенко бу сафар кўпчилик овоз олиб юксак лавозимни эгаллади. Яширин овоз бериш натижаларига кўра уни 251 киши қўллаб-қувватлади. 25 киши қарши овоз берди. Шунинг билан Россияда юз бериб турган ҳукумат танглигига барҳам берилди. Россия Бош вазирга ёлчиди.

ЯҲУДИЙЛАРНИНГ МОТАМ КУНИ

Миллионлаб яҳудийлар 23 апрель куни халқаро мотам кунини нишонладилар. Улар нацизм қурбонларини чуқур қайғу билан хотирладилар. Исроилда эрталаб соат 10.00 да икки дақиқа осудалик эълон қилинди. Кўчадаги йўловчилар, мактаб ўқувчилари, постда турган аскарлар ва ҳайдовчилар ҳалок бўлганларни сукут билан эсладилар. Польшада эса «тириклар марши» ўтказилди. Кейинги ҳафтада марш иштирокчилари Исроилга етиб келиб, ушбу давлат ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлаш тантаналарида иштирок этадилар.

ҚАМАЛ ҚУРБОНЛАРИ

Ироқ пойтахтида тиббий муолажанинг ночорлиги ва дори-дармон етишмаслиги сабабли нобуд бўлган 52 нафар болани дафн этиш маросими бўлди. БМТ ваколатхонаси жойлашган кўчада ўтказилган бу маросимда Ироқ ҳукумати вакиллари ҳам иштирок этди.

Ироқ болаларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси раиси Султон Аш-Шовий «Бу норасидалар халқаро иқтисодий қамал сиёсатининг қурбони бўлди», деб баёнот берди.

ҲУКУМАТ ТАРКИБИ КЕНГАЙДИ

Непал Бош вазири, мамлакат парламентидаги йирик фракция – Непал Конгресси партиясининг йўлбошчиси Гирижа Прасад Колирала ҳукумат таркибини 25 кишига кенгайтирди. Шундай бўлса-да, бундан кейин ҳам мамлакат ташқи сиёсат ва мудофаа маҳкамаларини 73 ёшли Колираланинг ўзи бошқаради.

Ҳукуматнинг янги аъзолари Непал Конгресси партиясига мансубдир. Ушбу парламентда 88 та ўринга эга.

СИЁСАТНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИ ЭМАС

Айрим давлатларнинг танқидий муносабатига қарамай, АҚШ Кубага нисбатан қўллаётган сиёсатини ўзгартириш ниятида эмас. Чили пойтахтида бўлиб ўтган Америка давлатлари олий даражадаги учрашувида АҚШ давлат департаменти вакили Жеймс Рубин шундай деди. Унинг айтишича, Оқ уйнинг Кубага нисбатан қўллаётган сиёсати бундан кейин ҳам ўзгармай қолаверади.

ВАТАНЛАРИГА ҚАЙТИШДИ

Сянганда истиқомат қилаётган 237 нафар вьетнамлик муҳожир ўз ватанига қайтарилди. Расмий хабарларга кўра, улар мазкур оролга 1997 йили яширин йўл билан келган.

Сянган маъмуриятининг таъкидлашича, 1995 йилдан буён оролга ноқонуний йўл билан келган вьетнамлик муҳожирлар сони 200 минг кишини ташкил этган. Уларнинг 140 минг нафари кейинроқ бошқа мамлакатларга ўтиб кетган. Қолганлари эса ватанига қайтган.

Ислоҳот мезонлари

БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Мамлакатимизда тўлақонли бозор иқтисодиётининг шаклланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг янги турлари ривожланиш даражасига боғлиқдир. Шу сабабли ислоҳотларнинг дастлабки босқичида давлат хўжаликлари жамоа, кооператив, акциядорлик хўжаликларига ва турли хил хусусий корхоналарга айлантирилди. Айтайлик, 1991 йилда қишлоқ хўжалигида нодавлат секторининг улуши 63 фоиз бўлган бўлса, 1997 йилда 99 фоизга етди.

Бизда янги хусусий ишлаб чиқариш бирлиги — деҳқон ва фермер хўжаликлари шакллана бошлади. Қисқа вақт ичида уларнинг ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий асослари яратилди. Республикамизда 1997 йил якунлари бўйича 21416 та деҳқон ва фермер хўжаликлари рўйхатдан ўтган, шундан мустақил фаолият кўрсатаётганлари 19828 та. Уларга 400 минг гектардан ортиқ ер майдонлари биркитилган. Ўртача ҳар бир хўжаликка 19,3 гектар ер тўғри келади. Уларда 135,7 минг киши меҳнат қилмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида деҳқон ва фермер хўжаликларининг бошқа жамоа корхоналаридан афзалликлари яққол кўриниб қолди. Уларда ердан фойдаланиш, экинларнинг ҳосилдорлиги, умуман қишлоқ хўжалиги самарадорлиги бошқа йирик хўжаликлардагидан анча юқори. Жаҳон тажрибаси ҳам кўрсатиб турибдики, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, самарадорлигини оширишнинг бирдан-бир тўғри йўли деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришдир.

Лекин бизда бу муҳим йўналишнинг ривожланиш даражасини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Кейинги 2-3 йилда деҳқон ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ва айрим турларини етиштиришдаги улуши 5-6 фоиздан ошмаяпти. Баъзи бир вилоят ва туманларда уларнинг ҳиссаси тушиб кетмоқда. Фақатгина 1997 йилнинг ўзидагина республика бўйича 1177 фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатди. Бунга асосан жойларда маҳаллий ҳокимият идораларининг ишга етарли масъулият билан қарамаганлиги, компаниячиликка йўл қўйилганлиги, деҳқон ва фермер хўжаликларига ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш инфратузилмасининг яхши шакланмаганлиги, бошқарув тизимининг такомиллашмаганлиги сабаб бўлди.

Шуларни инобатга олиб ҳозир деҳқон ва фермер хўжаликларининг меъёрий ҳужжатлари қайтадан кўриб чиқилмоқда. Олий Мажлиснинг навбатдаги XI сессияси кун тартибига деҳқон ва фермер хўжаликлари тўғрисидаги 2та қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 9 апрелдаги Фармонини бажариш ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва уларни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида яқинда Вазирлар Маҳкамаси «Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорнинг туб моҳияти Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва унинг ижро этувчи аппарати тузилмасини қайтадан тузиш, унинг ҳудудий тузилмаларини такомиллаштириш, уюшманинг бошқарув фаолияти мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини кенгайтиришга қаратилган.

Уюшма деҳқон ва фермер хўжаликлари ўртасида бўладиган иқтисодий, ишлаб чиқариш, айниқса, давлат ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириб туради. Давлат томонидан ажратилган турли хил фондлар, имтиёзли кредитлар Уюшма орқали ажратилиб, ўз навбатида давлат буюртмалари ҳам улар орқали бажарилади. Бу эса ҳар бир фермер олдида турган муаммони тезроқ ечишга ва бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланишга имкон беради.

Қарорда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда унинг ҳудудий вакилари ижро этувчи аппаратларини маблағ билан таъминлаш, бошқарувчиларини сайлаш ва тайинлаш механизми аниқ кўрсатиб берилган. Уюшмага деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ташкил қилиш ва тарқатиб юбориш мониторингини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги ерларидан унумли фойдаланишни мунтазам ўрганиб бориш каби вазифалар юклатилган.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини кенг ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллар қаторида уларни минерал ўғитлар, химикатлар, уруғликлар, кўчатлар, наслдор моллар ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаш ҳамда транспорт, маркетинг, юридик ва бошқа сервис хизматлари кўрсатишдаги нуқсонларни айтиш мумкин. Айниқса, деҳқонлар ўзларининг пешона тери эвазига етиштирган маҳсулотларини бозорда сотиш учун етарли транспорт воситалари ва тегишли хизматларнинг етишмаганлиги туфайли ҳосилнинг бир қисми нобуд бўляпти. Натижада уларда маҳсулот етиштиришдан иқтисодий манфаатдорлик сусая бошлади. Буларнинг ҳаммаси назарда тутилиб қарорнинг 4-бандида уюшмага аниқ вазифалар юклатилган.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга халақит бераётган омиллардан бири асосий ва оборот маблағларининг етишмаслигидир. Бунга банк кредит фоизларининг нисбатан юқорилиги, имтиёзли кредитларнинг етишмаслиги, қолаверса, банк тизими талабларининг мураккаблиги сабаб бўлмоқда. Шуларни назарда тутиб уюшмага деҳқон ва фермер хўжаликларига кредитлар, жумладан хорижий кредитлар олишда ва ўзлаштиришда ёрдам бериш вазифаси юклатилган. Кичик кредитлар бериш учун Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қўшимча ўрта муддатли кредит линиясини очиш юзасидан аниқ таклифлар киритиш тавсия этилган.

Иқтисодий ва молиявий жиҳатдан камқувват кичик деҳқон ва фермер хўжаликлари мустақил, алоҳида ишлаб чиқариш фаолияти юргизишлари жуда мураккаб. Шу сабабли Уюшма деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш воситаларига биргаликда эгалик қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш, моддий техникавий таъминлаш ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича ихтиёрий асосда кооперативлар тузишда амалий ёрдам кўрсатиш тавсия қилинган.

Билим ва тажрибалари етарли бўлмаган, эндигина оёққа туриб келаётган тадбиркорлар бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш ва етиштирилган маҳсулотларини сотиш (айниқса, ташқи бозорга) билан боғлиқ муаммоларни ўзлари ҳал қилолмайдилар, албатта. Уларнинг асосий эътибори ишлаб чиқаришга қаратилиши лозим. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Уюшма аъзоларига мустақил равишда ёки тайёрлов кооперативлари орқали мева-сабзавот маҳсулотларини бартер асосида экспорт қилишга рухсат берилди.

Айрим ҳолларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти чекланишига амалдаги қоидалар ва мутасадди ташкилотлардаги тўрачилик, хизмат мавқеларини суиистеъмол қилиш ҳоллари салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига Уюшма билан ҳамкорликда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни четга сотиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиришнинг соддалаштириш тартибини бир ой ичида ишлаб чиқиш топширилди.

Манфаатдор вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, идоралар ва ташкилотларга Уюшма билан биргаликда деҳқон ва фермер хўжаликларини зарур қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, уларга сервис хизмати кўрсатиш тузилмасини ишлаб чиқиш юклатилган.

Республикамиз минтақаларида деҳқон ва фермер хўжаликларининг жадал ривожланиши кўп жиҳатдан иқтисодий ислоҳотларнинг бу муҳим йўналишига вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ташкилотчилик фаолияти, ички имкониятларини қидириб топиб, уларга амалий ёрдам кўрсатишларига боғлиқдир. Лекин уларнинг деҳқон ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятига аралашуви қатъиян ман этилади. Бу масалалар ҳам қарорда ўз аксини топган.

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган кўплаб муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди, улар тобора такомиллаштирилиб борилмоқда. Очиқ тан олишимиз керак, аксарият ҳолларда ҳали фермерлар, амалдаги қонун ва қоидаларни яхши билмайдилар. Шу сабабли улар ўзларининг ҳуқуқларини тўғри талаб қила олишмайди. Ўзларига берилган имтиёзлардан тўлиқ фойдалана олмайдилар.

Хуллас, ушбу қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда мулкдорлар синфининг шаклланишида, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг бозор муносабатларига мос тушадиган шаклларининг таркиб топишида муҳим омил бўлади.

Авазхон СОДИҚОВ, иқтисод фанлари номзоди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессияси олдидан

ҚОНУНЛАР УСТУВОРЛИГИГА ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Қизилтепа тумани ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Турсун Фатуллаев билан мулоқот

— Турсун Фатуллаевич, ҳаммамиз яхши биламиз, шу ойнинг охирида, яъни 30 апрелда Олий Мажлиснинг навбатдаги ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлайди. Ноиб сифатида айтинг-чи, сиз ундан нималар кутяпсиз?

Умуман, бу сессияда қандай муҳим масалалар кўрилади?

— Мажлиснинг қонунларни тайёрлаш кичик гуруҳи аъзоси сифатида ишонч билан айтаманки, бу сессия илгаригиларидан фарқ қилади. Чунки, унда кўриладиган ва муҳокама этиладиган 14 та масаланинг 5 таси Ер Кодекси, қишлоқ хўжалиги ширкати, деҳқон ва фермерлик ҳаракати билан боғлиқ. Олий Мажлис дала-деҳқончилик ишларини ислоҳ қилишга, Давлат Ер кадастрини ишлаб чиқишга, Ер Кодекси лойиҳасини ҳал этишга асосий диққат-эътиборни қаратмоқда. Қонунлар устуворлиги, унинг ҳаётийлигини таъминласаккина муваффақиятлар мезони ортади. Чунки ердан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ҳали талаб даражасида эмас. Шундай экан, Ер Кодекси ҳам, кадастр тўғрисидаги қонун ҳам, қўйингки, қишлоқ хўжалиги ширкати тўғрисидаги лойиҳа ҳам шу куннинг долзарб масаласи, халқнинг айни муддаосидир. Ерга эгалик ҳиссини уйғотолсаккина, элнинг олқишини оламиз.

— Демак, асосий эътибор бу гал қишлоқ хўжалигига қаратиляпти. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, сиз раҳбарлик қилаётган Қизилтепа тумани деҳқончилик маданияти, одамларининг меҳнатга бўлган онгли муносабати билан бошқа туманлардан ажралиб туради.

— Ҳа, шундай. Қурилиш, ободончиликда ёхуд саноатни қишлоққа киритиш борасида туманимиз анча илдамлаб кетган. Айниқса, қўшма корхоналар очиш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ўзига хос ўсишга эришяпмиз. Агар тўқсонинчи йилларда туманда атиги 1—1,5 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 30—32 миллионга етди. Саноат ишлаб чиқарилиши кўлами ҳам сезиларли бўлмоқда.

— Сиз юқорида саноатни қишлоққа киритиш хусусида ҳам гап очдингиз. Шу масалага чуқурроқ тўхталсангиз?

— Туманда 40 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга пахта заводи, дон ва нон комбинати, йилига 8 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган завод, 2 та марказлашган паррандачилик фабрикаси, тикув-галантерия корхонаси ҳам бўлиб, уларда тайёрланган маҳсулотлар нафақат республика ички бозорида, балки Ҳамдўстлик мамлакатларига ҳам сотилмоқда. Саноат — қишлоққа, деган ўй ҳоким сифатида менга ҳамиша тинчлик бермайди. Бу, биринчидан, қўшимча иш ўрни ва мўмай даромад демакдир. Тошработдаги 1 миллион шартли банкага ихтисослашган консерва заводи, Зармитан қишлоғидаги кичик сут заводи, Ванғозидаги томат пастаси ва шарбати ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳам биз учун кони фойдадир. Уларда ҳозир юзлаб қишлоқ ёшлари фаолият кўрсатишяпти. Бунга қўшимча қилиб хом ғишт ишлаб чиқариш линияларини, дурадгорлик цехларини, кулолчилик корхоналарини ҳам кўрсатиш мумкин.

Булар ҳали ишнинг бошланиши, холос. Саноатни қишлоққа олиб кириш бир кунниг ёки бир йилнинг иши эмас. Бунинг учун етарли маблағ ҳам лозим. Шу мақсадда ташқи сармоя иштирокида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Бунга мисол қилиб Германия — Ўзбекистон ҳамкорлигидаги «Тавоис-Текстиль» қўшма корхонасини кўрсатиш мумкин. Бу корхона қуриб ишга туширилгач йилига 2500 тонна толани қайта ишлаш имконияти туғилади ва 500 киши иш билан таъминланади. Худди шундай «Фардиён» ҳиссадорлик жамияти қурилишини ҳам кўрсатиш мумкин. У ўз фаолиятини бошласа 200 кишини иш билан таъминлаш, йилига ўртача минг тонна калава ип тайёрлаш имконияти туғилади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

— Ўтган йил партия ташкилотларининг иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида бевосита иштирок этиш, ташаббуслар билан чиқиш, фаол бошланғич ташкилотлар ишларини умумлаштириш борасида катта тажриба тўплаш йили бўлди, — деди Сурхондарё вилояти партия кенгашининг яқинда бўлиб ўтган ўн бешинчи пленумида маъруза қилган шу кенгашнинг биринчи котиби, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Ҳамро Эрматов.

Пленум ЎзХДП Марказий Кенгашининг ўн саккизинчи пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олди. Партиявий ишни янада жонлантириш йўлидаги муаммоларнинг ечимларини топиш масалаларига эътибор қаратилди. Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Илму ҳикмат сувни ёндирар

БЕНТОНИТ ГИЛЛАРИНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ

ЁКИ ОЁҚ ОСТИДАГИ БОЙЛИК

Илгари республикамизга картошка, гўшт, сут маҳсулотлари ва ғалла маҳсулотлари асосан четдан келтириларди. Мустақиллик туфайли энди буларнинг барчаси деҳқонларимизнинг қадоқ қўллари билан етиштирила бошланди. Шу боис республикамиз аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун экинзорларни кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш ва сифатини яхшилаш керак бўлади. Шундай экан, бу соҳада маҳаллий бентонит гилларидан фойдаланиш айни муддаодир. Чунки, бентонит гиллари таркибининг қарийб 60 фоизи монтмориллонит гуруҳидаги минераллар ва тоғ жинслари билан тўйинган бўлиб, унинг сувни шимувчанлиги, дисперслиги, кўпчиши, ионалмашув ва ютувчилик хусусиятлари билан қишлоқ хўжалигида хомашё сифатида муҳим ўрин тутади.

Айни пайтда бентонит гилларидан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, жумладан Чехословакия, Венгрия, Россиянинг ноқоратупроқли кенгликларида, Қозоғистон, Кавказ ва бошқа ўлкаларда кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, ер юзасида бентонит гиллари тарқалган Грузия ҳудудларида узум, апельсин ва лимон сингари меваларнинг ҳосилдорлиги юқори бўлиб қолмасдан, айни вақтда мазали бўлиши билан ҳам эътиборга лойиқдир. Шунингдек, бентонит гиллари қўлланилган кўплаб тажрибаларда мева ва полиз экинларининг эрта пишиб етилиши тасдиқланди.

Юқорида тилга олинган тадқиқотлар ва тажрибалар табиий намлик етарли бўлган минтақаларда ўтказилган бўлиб, улар асосан ҳосилдорликни оширишга қаратилган. Ўзбекистоннинг қуруқ иқлим шароитида тупроққа бентонит гиллари қўшиш яна бир муҳим ижобий кўрсаткични юзага келтиради. Бунда тупроқнинг намлигини анча вақт сақлаш имкониятини вужудга келтиради. Натижада сувга талаб камайиб, уни иқтисод қилиш мумкин бўлади. Сувни иқтисод қилиш қанчалик долзарб эканлиги ҳаммамизга маълум. Чунки, ватанимизнинг тоғолди, тоғоралиғи ва чўл минтақаларидаги деҳқончиликда фойдаланиладиган ерларнинг аксарият қисми кам ҳосилли, қумли ва қум-гилли тупроқлардан иборат бўлиб, уларни суғоришда магистрал каналлар орқали келтириладиган дарё сувларидан, ер ости ва тоғ сойлари сувларидан фойдаланилади. Лекин, уларнинг заҳираси кескин чекланган, экин майдонларини янада кенгайтириш имконини бермайди. Соз тупроқлардаги ламмикор деҳқончилик эса об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ.

Қумли ва қум-гилли тупроқларда табиий ғоваклиннинг юқорилиги туфайли экин сувлари ернинг ички қатламларига тез сингиб кетади. Бунда тупроқнинг намлигини сақланиш даври жуда қисқа бўлишидан ташқари тупроққа солинган маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдали моддалар ҳам ювилиб кетади ва натижада уларнинг самарадорлиги камаяди.

Қумли ва қум-гилли тупроқларга бентонит гилларини қўшиш натижасида уларнинг табиий ғоваклигини кескин пасайтириш ёки тупроқнинг капиляр ғоваклигини ошириш мумкин. Капиляр ғоваклик сиғимининг ошиши тупроқнинг нам сақлаш вақтини кескин узайтиради ҳамда ўсимлик ўзлаштириши мумкин бўлган намлик миқдорининг юқори бўлишига олиб келади. Бу эса ўсимликларнинг анча вақт сувга толмасдан ривожланишига ёрдам беради.

Бентонит гилларининг ажойиб хусусиятларидан яна бири уларда ютилиш сиғимининг катталиги, натрий, калий, кальций ва магний сингари ишқорий ва ишқорий-ер элементларидан иборат алмашинувчи катионларнинг мувжудлигидир. Бу хусусият тупроқда ўсимликлар ривожланишида жуда муҳим бўлган калий ва аммоний бирикмаларни ювилиб кетишдан сақлайди. Натижада тупроққа солинадиган минерал ва маҳаллий ўғитлар миқдорини камайтириш имкониятини яратади. Бундан ташқари бентонит гилларининг таркибида ўсимликлар учун фойдали бўлган бир қатор микроэлементлар ҳам мавжудки, унга маълум маънода ўғит сифатида ҳам қараш мумкин.

Масалан, бентонит гиллари аралаштирилган тупроқларда қатқалоқ ривожланмайди. Чунки, тупроқнинг қуриши билан унинг юзасида кўптомонли майда дарзликлар тўри вужудга келади. Натижада ўсимликлар илдизи бемалол озиқланиб, ривожланади.

Энг муҳими, тупроқлар таркиби таққослаб бўлмас даражада яхшиланади. Одатда, экинлар суғорилгандан сўнг тупроқ қуриб зичлашади ва қотиб зарангга айланади. Бентонит гиллари қўшилган тупроққа бундай салбий жараён кузатилмайди.

Бентонит гиллари фунгицид хусусиятига ҳам эга. Уларнинг бу хусусияти тупроқда турли зарарли микроорганизмлар ва ҳашаротларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Ўсимликлар турли касалликларга кам чалинади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, бентонит гилларини тупроққа қўшиш орқали кўпгина долзарб масалаларни ечиш мумкин.

Тупроққа бентонит гилларини қўшишда унинг миқдорини (дозасини) аниқлаш керак бўлади. Бу тупроқнинг гранулометрик таркибидан келиб чиқади. Қумли тупроққа кўпроқ, соз тупроқларга камроқ қўшилади. Бунда унинг самарадор миқдори, тажрибалар кўрсатишича, тупроқнинг гранулометрик таркибига кўра, гектарига 1 тоннадан 10 тоннагача ўзгариши мумкин. Чехословакияда бир гектар экин майдонига 200 кг бентонит қўшилганда ҳам картошканинг ҳосилдорлиги сезиларли ошганлиги ва сифати яхшиланганлиги қайд этилган. Бентонит дозасининг гектарига 10 тоннадан ошиши эса тескари самара беради.

Мамлакатимизда шу кунга қадар бентонит ва бентонитсимон гилларнинг 200 га яқин конлари ва нишоналари аниқланган. Бундай конлар Фарғона ва Зарафшон водийларида, Тошкентбўйи ҳудудида, Жанубий Ўзбекистон, Қизилқум ва Қорақалпоғистонда тарқалган бўлиб, уларнинг заҳираси битмас-туганмасдир.

Бундан ташқари, бентонит ва бентонитсимон гиллар халқ хўжалигининг металлургия, машинасозлик, тоғ-кон, нефть, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноатлари, медицина ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Яна бир фикр: маълумки, республикамизда ғўзани плёнка остига экиш усули кенг қўлланилмоқда. Шакшубҳасиз бу усулни янада мукаммаллаштириш мумкин. Ўз вазифасини ўтаб бўлган синтетик плёнканинг чиқинди ҳолида қолиб кетмаслиги учун унинг ўрнига тупроқ билан аралашиб кетадиган ва тупроқ структурасини яхшилашга ёрдам берадиган органобентонитли плёнкалар яратишни йўлга қўйиш керак. Шунинг учун ҳам бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотларни жадаллаштириш лозим.

Бентонит гилларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишда геолог, биолог ва тупроқшунослик бўйича мутахассисларнинг деҳқонлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши жуда муҳимдир. Шу ўринда республикамиз вилоятларида турли таркибли тупроқларда барча экинлар бўйича тажрибалар олиб бориш лозим. Бундай синовлар фақатгина бентонит гилларининг тупроқ структурасини ўзгартиришга, сув сарфини аниқлашга, ҳосилдорлик миқдорини белгилашга қаратибгина қолмай, балки бутун вилоятлар ва республикамиз миқёсида олинадиган иқтисодий самарани ҳам ҳисоб-китоб қилиш зарур бўлади.

Республикамиз олдида бутун ер майдонининг кадастрини тузиш вазифаси турибди. Бу миқёсли ишни амалга ошириш қишлоқ хўжалигида ўтказиладиган барча тадбирларни илмий асосда ўтказишга имкон яратади. Бунда тупроқнинг турлари, хусусиятлари, таркиби аниқланади. Натижада уларни яхшилаш ва рекультивация йўналишларини режалаш, шу жумладан экологик ўзгаришларни башорат қилиш ва бентонит гилларига умумий эҳтиёж миқдорини аниқлаш мумкин.

Бентонит гилларидан фойдаланишда конларнинг географик ўрни, геологик тузилиши, техник-иқтисодий шароитлари, истеъмолчилардан узоқ-яқинлиги ҳисобга олиниши керак. Чунки, уларнинг таннархи қазиб олиш ва транспорт харажатлари билан боғлиқ. Бунда истеъмолчиларга яқин бўлган конлар танланиши мақсадга мувофиқдир.

Бентонит ва бентонитсимон гиллардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш республикамиз учун янгиликдир. Шундай экан, янгиликка кўникма ҳосил қилиш керак бўлади. Зеро, мустақиллик ва бозор муносабатлари тадбиркорликни, яратувчиликни, изланишни ва янгиликка интилишни талаб этади.

Холдор ЧИНИҚУЛОВ,
Ўзбекистон ФА Геология ва геофизика институтининг катта илмий ходими, геология-минералогия фанлари номзоди.
Абдураззоқ МИРЗАЕВ,
«Монолит» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг директори.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«УДДАБУРОН МАКЛЕР»

Юқоридаги сарлавҳали мақола муҳокама қилиниб, Тошкент шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари билан биргаликда текширишлар ўтказилди ва қуйидагилар аниқланди.

Тошкент шаҳрининг Амир Темур хиёбонида ноқонуний равишда фаолият кўрсатаётган квартира бозорида 30 га яқин даллолчилик ишлари билан ноқонуний равишда шуғулланиб юрган шахслар гумонланиб ушланди.

Шунингдек, «Долорес», «Санти-Са», «Ион» фирмаларининг кўчмас мулк масалалари бўйича қонунга хилоф равишда иш олиб борганлиги аниқланди ва бу юқорида кўрсатилган фактлар бўйича тўпланган материаллар Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасига қонуний чора кўриш учун юборилди ва ноқонуний фаолият кўрсатаётган юридик ҳамда жисмоний шахслар қаттиқ назоратга олинди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ КРТҚК бош бошқармасининг биринчи ўринбосари
А. ТЎРАХЎЖАЕВ

«БОЗОР ШАРОИТИ БИЛАН-ДА»

Мақола туман ҳокимиятида атрофлича муҳокама қилинди ва кўтарилган масала тўғри деб эътироф этилди. Бозорда деҳқончилик маҳсулотлари билан савдо қилишга мўлжалланган расталар ажратилди. Тижорат бозори алоҳида жойга кўчирилди.

Ўтказилган текширишда кўпгина тарозилар яроқсиз бўлиб қолгани, айрим паттачиларнинг қўпол муомалада бўлишаётгани ҳам аниқланиб уларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Бозор маъмуриятига камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Туман ҳокимияти бозор ичида зарур тартиб ўрнатиш ва камчиликларни бартараф қилиш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Денов туман ҳокими Т. МЕНГЛИЕВ

ҚОТИЛЛИК. ПУШАЙМОН. АЙБЛАНМАГАНЛАР

(ФАРЗАНД ЎЗ ОНАСИНИ ЎЛДИРДИ. НЕГА?)

Суд ҳукми ўқилди. Унда иштирок этаётган одамларда нафрат ўрнини ачиниш эгаллай бошлади. Қора курсида ўтирган Рим ўлимга ҳукм қилинди. Ҳеч ким унга «баттар бўл» демади, дея олмади. Ҳатто бундан бир неча дақиқа олдин отишга ўқ тополмай турганларнинг ҳам юраклари «жиз» этди. Ўзлари сезмаган, негалигини англамаган ҳолда ҳовурларидан тушдилар... Ахир нега ачинмасин, у ҳам ҳамма қатори одам эди-ку. У ҳам инггалаб туғилган, оқ сут эмган, беғубор болаликни бошидан ўтказган, баҳор келса завқланиб, тунда тонгни кутиб яшаётган бир инсон эди-ку. (Балки адашаётгандирман, аммо ўзимнинг қалбимда кечган туйғуларни бировларда кўришни истаганим учун мени айбламассиз).

«Неча марта уйланган бўлсам ҳам онам туфайли улар билан ажрашдим», дейди Рим. Демак, сўнгги, тилга олиш оғир бўлган ЖИНОЯТнинг илдизлари анча олдин қадалган экан-да. Бу қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар, таниш-билишлар, хуллас, судда АЙБЛАНМАГАНларга қўйилган маънавий айб эмасми? Шу оилада соғлом муҳит бузилганлиги, уни тузатиш лозимлиги наҳотки ҳеч кимни қизиқтирмаган бўлса?

«Онам билан укам ўртасида ҳеч қандай келишмовчиликни сезмаганман» дейди айбланувчининг бошқа жойда яшайдиган акаси. Қўни-қўшнилар ҳам шу гапни такрорлайдилар. Аммо улар келин нега бу уйдан чиқиб кетди, деб ўйлаб кўришдимикин? Агар ўйлаб кўришган бўлса, касалманд аёл ўз ўғли билан ёлғиз, дастёрсиз қолармиди? Келин-қайнона муносабатлари билан нега қизиқмадилар?

Бу гапларни ҳукмдан олдин айтиш балки ноўрин бўларди. Ҳар қанча нафратга арзигулик «иш»га қўл урган ИНСОН номига доғ туширган жиноятчини ҳимоя қилаётгандек бўлиб қолардик. Уни эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Мана шундай бўлди ҳам. Жазо — ўлим. Демак, унга оғиз тўлдириб ҳақорат ёғдиришнинг энди фойдаси йўқ (ҳаққимиз ҳам), вақти ўтди. Назаримда, энди фақат унинг аччиқ қисматига ачинишимиз, бу фожеа рўй бермаслиги мумкинмиди, дея ўзимизга савол бериб кўришимиз қолди, холос.

Савол, жудаям ўринли. Виждон билан юзма-юз бўладиган савол...

Халқда «сўнгги пушаймон — ўзингга душман» деган мақол бор. Бир қарашда у бизга тасалли бераётгандек, ўзингни қийнама, дея овутаётгандек бўлади. Аммо ростдан ҳам шундаймикин? Йўқ. «Кўрдингми, фожеадан кейинги афсус ўринсиз. Шундай экан, ушбу кулфат такрорланмаслиги учун қайғур, унинг олдини олишга урин. Агар лоқайд бўлсанг яна худди шу аҳволга тушасан, унда кеч бўлади, кўриб турганингдек жуда кеч бўлади», дегани бу. Демак, мақол ўз кучини пушаймондан кейин эмас, балки олдин кўрсатсагина мақол деган номга лойиқ.

Унда келинг, ушбу мақол айнан биз учун экан, дея тасаввур қилайлик-да, виждон амрига қулоқ тутайлик...

Аввало, **«ҳамма хотинларимни онам туфайли ҳайдадим»,** деган даъво қанчалик ҳақиқатга яқин эканлиги тўғрисида.

Аслида бунақа гапларни биринчи марта эшитаётганимиз йўқ. Унга гўё одатдаги ҳолдек қараб ўрганиб қолганмиз. Нари борса, «ёмон қайнона экан-да, унақасидан худо асрасин», деб қўйишимиз мумкин. Лекин ўйлаб кўришга вақт тополмаймиз — хўш, нега у ёмон бўлиб қолди? Наҳотки у ўз фарзандининг оиласини бузишдан манфаатдор бўлса?

Донишмандлар, замонавий руҳшунослар эса аллақачон хулоса чиқариб бўлишган — келин ва қайнона мунозарасига эр (фарзанд) сабаб бўлади. Онанинг назарида қийналиб катта қилган, тунлари ухламай тебратиб чиққан, емай едириб ўстирган фарзанди уйланганидан кейин хотинига «оғиб» кетгандек туюлаверади. У ахир она-да, ўз зурриётидан «ажралиб» қолгиси келмайди. Ўғли ҳамиша ёнида бўлишини, худди гўдаклик чоғларидагидек онаси томон интилиб яшашини истайди. Энди унинг ўз оиласи борлиги, ўша оила учун ўғли масъул эканлигини ҳар қанча тушунишга уринмасин, табиий бир ҳиссёт — фарзандини бировга бериб қўйишдан қўрқиш, қизғаниш уни чалғитади. Билиб-билмай аламини келиндан ола бошлайди.

Худди шунингдек, келин ҳам эрнинг фақат ўзиники бўлишини истайди. Бошқа аёллардан рашк қилгани каби онасидан ҳам қизғанади. Аммо «оналик ҳаққини тўғри тушунмади», деб келинни эканлиги сабабли эмас, МУҲАББАТ туфайли, эр (фарзанд)ни қизғаниш туфайли юзага келади. Даво эса битта — ўша, низога сабаб бўлаётган, қизғанилаётган йигит танлаши керак бўлган тўғри МУОМАЛА. Яъни, йигит мувозанатни бузиб қўймаслиги, тарозининг палласини тенг ушлаб туриши лозим. Онани ҳам, хотинни ҳам бирдай севиши, аммо онанинг олдида онага, хотиннинг олдида хотинга озгина (асло кўп эмас) ён босиши, уларни яхши кўришини намойиш қилиш билан бирга келин-қайнона ўртасида ҳам меҳр ришталарини боғлаб, бир-бирига яқинлаштира олиши лозим.

Кўринадики, Римнинг юқоридаги даъвоси ноўрин. У аввало ўзини айбласа тўғри бўларди. Онаси ҳам, хотини ҳам уни севганлари учун келиша олмаётганларини, бу ерда нафрат эмас муҳаббат «ўйин» кўрсатаётганлигини англаши керак эди. Агар у бунга қодир эмас экан, унда Сиз-чи, мен-чи? Нега ўз ВАЗИФАмизни адо қилишга, ёрдамга етиб боришга шошилмаймиз. Қолаверса, келинни ҳам, онани ҳам табиий майлга алданиб қолмасликка чақириб турилса, ақл билан иш кўришга ундаб борилса ўз таъсирини берган бўлмасмиди? Ахир ҳеч биримиз Робинзон эмасмиз. Ҳаммамиз битта оила вакилларимиз, битта жамиятнинг, битта тананинг аъзоларимиз. Бир-биримизни қўллаб-қувватлаб яшасаккина бу тананинг тўкислигига эришишимиз мумкин, холос.

Афсуски, ҳа, минг марта афсуски, биз бошқа йўлдан бордик. Ўз оёғимизга болта уришда даво этдик.

Суддан кейинги ўйлар

«Ишдан уйига қайтаётганида 150 грамм ароқ қуйиб бердим». Бу гапларни айтаётган одам ўзининг «мен ҳам қотилман», деяётганлигини ҳис қилдимикин? Менимча, йўқ. Чунки, гуноҳга иқрор бўлиш бунчалик осон эмас.

Ҳайрон бўласан киши. Ароқнинг фақат гуноҳгина эмас, кўплаб фожеаларнинг сабабчиси ҳам эканлигини ҳаммамиз биламиз. Имоним комилки, хоҳлаган одамингизни ушлаб бу ҳақда сўрасангиз тутилмай гапиради, ичкиликнинг ғўрига эринмасдан ғишт қалайди. Аммо «ўзингиз нега ичасиз?» деб кўринг-чи...

Давраларда ичишни истамаганларни ҳам мажбур қиладилар. «Агар ичмасанг сенинг дўстлигингдан кечдим», дейдиганлар ҳам топилади. Фожеадан кейин эса «Заҳаринг кўтарса ич-да», дея ҳақорат қилганлар ҳам яна ўшалар. Бу нима дегани ахир? Биз ўз-ўзимизни алдамаяпмизми? Бировни жардан итариб юбориб уни бефаросатликда айблаш эмасми бу? Наҳотки эрта бир кун ўзимизни ҳам шу жарликка қулатадиганлар топилиб қолишини ўйлаб кўрмасак? Дарвоқе, Рим ўша жарга қулади. Аммо бу жарликни тўлдира олмади, тўлдира олмайди ҳам...

Кўз олдимда оғзидан ароқ ҳиди анқиган фарзаднинг оёқлари остида инграётган ОНА гавдаланар экан, бутун танам увушиб қолгандек бўлади. Наҳотки у ўша пайтда фарзандини, жигаргўшасини ич-ичидан қарғаган, унга чин маънода ёмонлик тилаган бўлса? Оғизда ҳар қанча гап айтилиши мумкиндир, балки. Бироқ, парваришлаб ўстирган гулингизнинг тикони қўлга киргани учун уни юлиб ташлай олмайсизу, она ўз боласини қалбидан улоқтира олармикин? Ишонгинг келмайди.

Аммо, муштипар она узоқ ингради, нималарнидир пичирлаб ётди. Балки ўлимини сезиб калима қайтаргандир. Агар у «Эй Аллоҳ, шу боламга ҳам инсоф бер, гуноҳларини кечир», дея жон берган бўлсачи?!.

Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан Ўрта Чирчиқ туман суди биносида ҳукм ўқилди. Айбланувчи Саримсоқов Рим ўз онаси Саримсоқова Нурияни уриб ўлдирганлиги учун ўлим жазосига лойиқ деб топилди. Бу ҳукмдан одамлар, яқин-узоқ қариндошлар, таниш-билишу қўни-қўшнилар хабар топдилар. Бу пайтда уларнинг қалбидан нималар ўтганини эса билолмадим. Аммо жудаям, жудаям билгим келди...

Мен қўлимга қалам олиб қоғоз қоралар эканман, мақсад асло кимнидир айблаш эмас. Мен ўзимнинг айбдорлигимни ҳис қилмоқчи, уни Сиз билан баҳам кўрмоқчи эдим, холос. Алҳол, сўнгги пушаймон — ўзингга душман, дейдилар...

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

1 2 3 4

ҚАДРИ ҚОЧГАН «ҚОЗОНЧИ»ЛАР

... Бўри ўз ини, тегишли ҳудудини яхши билади. «Чегараси»да ёт из кўрса тиш қайраши шундан. Ҳатто каллапўшдек келадиган тулки ҳам сергак. Манзили бор. Хонимчасига товлама мўйна керак овчи албатта, шоғол пойламайди, кўлмакка қармоқ ташлаб, кун ўтказмайди...

Жонзотлар ҳам шартли рефлекс орқали ўз ҳадлари, ўз маконуяларини билганлари яхши. Жуда яхши.

Баъзи одамларга қойил қолмадик-да. На ҳад билади, на уят. Ўрис думасида кепка кийган бирови бор. Ўғрикўз. Қачон қарасанг довдираган, алаҳсиган: «Миллатингиз нима?» деб сўрашса, «Юрист» дегани ҳолва. Ажойиби — кечаси билан тайинсиз сиёсий фоҳишаларнинг кўнглини овлаб, эрталаб қайсидир ҳожатхонада булғаган этигини Ҳинд дарёсидан (океанидан, эмиш! Иштаҳа карнай!) ювишни орзу қилганига ўласанми? Булғанган этигингни чиқариб олган жойида ув. Агарда Сибирда совуқда қотиб қолса-да!

Яна бир генероли бор. Акашак Макашов. Ҳарбийдан «ватанга хиёнати» учун ҳайдалганига етти йил бўлса-да, қасмоқли мундирини ечмаган. Унинг этиги ҳам ўзидек габр. Қаерда юварини билмай юрибди...

Тельман Хиренович деганини худо урган. Ақлдан озганми, гўрдек ини кичиклик қилиб, бугунда уйма-уй юриб, имзо тўплаётганмиш. «Тор! Ҳамма ёқ тор!» деб бақирармиш. Унга эни бир, узуни икки қадамлик бошпанасини кўрсатиб қўядиган вақт келдимикан?

Яқинда телевизор кўриб ўтиргандим, бир «улуғ математик» чиқиб, кўнглидаги «оҳ-воҳ»ни рақамлар билан баён қилса бўладими! Нимаймиш, «Швейцариянинг Довос шаҳридаги иқтисодий форумга

Памфлет

Ўрусиядан кўплаб раҳбарлар, бизнесменлар ташриф буюрган. Дунёнинг олтидан бир бўлаги(-) да бўлаётган иқтисодий ислоҳотларга хорижлик сармоядорларнинг қизиқиши ортиб, улар Ўрусияга жон деб ёрдам қўлини чўзиш ниятида эмишлар...» Иқтисодий ислоҳотларни «чуқурлаштирибсизлар» -- қойил! «Хориждан сармоя кутиб кўзларинг тўрт!» -- яшанг! Аммо, лекин математикадан ғирт саводсизлигинг энсамни қотиради-да. Ўрусия қанақа қилиб дунёнинг олтидан бири бўлсин? Бу қайси замондан қолган қўшиқ ўзи!

Майли, уларга қўлларидаги бармоқларини санашни ўргатган буюк Алжабр бобомиз ҳурмати сенга озроқ ҳисоб-китобни ўргатай: Ер шаридаги қуруқлик майдони қанча? Ҳм... Аввал шуни бил, бўлмаса бирор мактаб ўқувчисидан сўра. Ҳа, тушундим, ўқитувчиларга уч йилки маош беришмагани учун мактаблар берк, де?!

Унда қийин экан. Ўзим айтаман -- 149 миллион квадрат километр. Бундан етти йил муқаддам «СССР» деган «мўъжаз» давлат бўларди. Бешигидаёқ қарғиш урган. Ана шу қураманинг ер майдони 22 миллион квадрат километр бўлиб, бир «чаласавод» Қалимада сургунда пайти ҳисоб-китоб қилган экан -- дунёнинг олтидан бири бизники деб! Аслида унга тегишлиси икки қадам оғсанг манглайинг билан бетон деворга уриладиган қамоқхона бўлмаса эди. Майли. Шу ҳисоб неча-неча йиллар кимлар учундир фахрга айланди. Дунёнинг олтидан бири. Ў-ҳў! Лекин камлик қилдими... у ёғи Кариб денгизи, бу ёғи Япон денгизигача панжа уриб кўрилди. «Дарё ортидаги» жангарилардан калтак еб, думини қисиб қочганидан ҳеч вақт ўтмасдан бу давлатнинг инига сув кетди. Мушукмўйлов бобоси давридан буён тўплаган майдонлари қўлдан чиқди. Энди эса...

Хўш, саводсиз ҳамкасб сиз қайда ўқигансиз? Наҳотки жўғрофиядан бехабар бўлсангиз. Ахир Ўрисия деган сиз яшаётган, унинг жамоатчилик телевидениеси номидан Оврупода мухбирлик қилиб, мўйловингизни фаранг атирига буркатиб қўйган давлатнинг ҳудуди 17 миллион квадрат километр-ку! Ана энди ҳисоблаб кўринг! Тишингиз ўтмаса бир виски эвазига бошқа бирор танишингизга ҳисоблатарсиз. Ишонмасангиз. Биз эса бўладиган гапни айтамиз - қўямиз. Ҳатто қоғоз-қалам олиб, қош чимириб ўтиришга-да ҳожат йўқ. Ўрусия федерацияси ўша эски нисбат билан ҳисоблаганда дунёнинг бор-йўғи тўққиздан бирига тенг. Ҳа, майли Белорусь билан мавжуд иттифоқни ҳам қўшайлик. Ҳеч нима ўзгармайди. Тўққиздан бир!

Сиз эса ҳамон оғзингизни кўпиртириб, «Дунёнинг олтидан бирини ташкил қиладиган бизнинг давлатимиз» деб юрибсиз!

Ҳамкасбим Шоммер ! Маслаҳатим -- думанинг аъзосиман, энди менга ақл битган деб босар-тусарини билмай юрган, кўзини ёғ босган Жириновскийдан узоқроқ юринг. Акс ҳолда бир куни ҳаммаслагингиз тили билан гапириб, боши берк кўчадан чиқарга «тешик» қидирманг. «Қизилларнинг иккинчи кепкали доҳийси» ҳисоб-китобича Ўрусия дунёнинг бешдан бири эмиш. У ювиқсиз иқирт этигини тозалашни орзу қилган Ҳиндистонни ҳам ўз «мулки» деб хомтама бўлган кўринади.

Сизнинг ҳаддингиз -- дунёнинг тўққиздан бири, холос. Унутманг. «Олтидан бир» ҳудуд тарих қатининг қора суйкалган қатида қолиб кетган.

Жириновский, Макашевлар қадри қочган қозончилар. Қулоқни қаердан чиқариш эрки уларнинг қўлидан кетган. Аслида ҳақиқатни тан олмас, эшитишни истамайдиган нимарсалар тоифасидан. Ўзларининг қулоқлари йўқ.

Лекин, рости РЖТдаги жанобларга ҳам қойил қолдим-да. Нима айтса, нима деб ғулдирашса, алаҳсирасаларда -- бемалол ўтказиб ўтиравераркалар-да...

... Ҳатто қузғуннинг ҳам ўз ини бор. У ҳам ҳаддини билади. Йўқса, ўз уйингизни ўзгаларники билан адаштириб, адашган бузоқдек дуч келган оғилгаям бош суқаверасиз-да.

Рўзимбой ҲАСАН

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 27

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 27 апрель куни ЎзТВ -I курсатувлари соат 17.55 да бошланади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар
18.10 Болалар учун. «Фарзанд—умид юлдузи».
18.20 «Ёшлик» студияси. «Дардингизни олай...».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 «Муҳаббатим куйлайман». Мусиқий дастур.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Наманган баҳори». Публицистик кўрсатув.
22.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ягонасан, мен учун Ватан!» Фильм-концерт премьераси.
22.40 Ойбек. «Оқшом маликаси». «Ўч» поэмаси асосида видеофильм.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. «Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Трактор» (Тошкент).
00.50 — 00.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош» Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Тарозу».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Сёгун». Телесериал.
22.00 «Ойдиндаги қадамлар».
22.15 «Даракчи» (рус тилида).
22.25 «Юрган дарё».
22.45 «15 дақиқа спорт ҳақида».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Саргузашт фильмлар экрани.
00.05 Мусиқали калейдоскоп.
00.25 —00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар

*

Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 20.40

*

20.40 «Дунёқараш». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 Экранда сериал. «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». 1-серия.
22.40 — 23.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 22.25 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Мусиқий танаффус».
20.20 «Чинор» видеоканали: «Дидар».
«Рангинкамон».
21.00 «Табиат шифохонаси».
21.10 «Умр баҳори».
21.25 «Намастэ».
21.45 «Ҳаёт карвони».
22.05 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
22.30 Спорт-тайм.
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эстрада тароналари».
9.10 «Зумраша». Болалар учун киножурнал.
9.20 Биржа ва банк хабарлари.
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 - Янгиликлар.
10.05 «Шифокор экрани».
10.25 Инглиз тили.
10.55 Кино янгиликлари.
11.10 Телевикторина.
11.20 Жаҳон киноси юлдузлари.
11.40 «Олам ва одам».
12.05 Кундузги сеанс. «Эркакли уй». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
14.10—14.50 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». «Бахт қуши».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Алиса кўзгу орти ўлкасида». Мультфильм.
18.20 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.45 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбларининг концерти.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури—амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маърифатнома».
21.20 «Бир жуфт қўшиқ».
21.30 «Акс-садо».
22.05 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дастур.
22.50 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси олдидан «Қалб минбари».**
23.10 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Сирдарё вилояти.
23.55 «Ахборот».
00.20— 00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 Ёввойи ҳайвонот олами.
19.15 «Шарқ эстрадаси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Очун».
21.20 «Сёгун». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 «Онагинам».
22.40 Спорт қитъаси.
23.10 Кундалик.
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кинонигоҳ.
01.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.20 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00

* * *

17.25 — 20.40

*

20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 2-серия.
22.55 — 23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18,45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.35 «Тасвир-98».
19.55, 22.20 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Медицина — сизлар учун».
21.10 Мусиқий дақиқалар.
21.15 «Долзарб репортаж».
21.35 «Ўйингоҳ».
21.50 «Телефакт».
22.00 Хит-коллекция.
22.25 «Қувноқ кино».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусаввир нигоҳи».
8.55 «Келажагимиз ворислари».
9.15 «Ўзлигинг намоён қил». Телетанлов. Экранда — Сирдарё вилояти.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.25 Болалар учун. «Орзу».
10.55 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
11.15 «Рақс оламида».
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Табаррук қадамжолар».
12.30 «Кузянинг қайтиши». Мультфильм.
12.40 «Қонун ва биз».
13.15 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дастур.
14.10 — 15.30 «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Меҳрибонлик уйида».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур».
18.30 «Солиқ ва назорат».
18.45 «Асрлар навоси». Мусиқий дастур.
19.05 «Зиёбахш умр». Телеочерк.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.50 - Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Экран куйлари». Киноконцерт.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Оламни асранг, дўстлар». Нуриддин Ҳамроқулов концерти.
21.55 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси олдидан. «Парламент соати».**
22.20 «Тил — миллат кўзгуси».
22.35 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот».
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари».
18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хонадон».
20.15 «Жозиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тарона».
21.15 «Сёгун». Телесериал.
22.05 «Даракчи» (рус тилида).
22.15 «Ҳудуд».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Экранда—детектив.
00.35 Хорижий эстрада.
00.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.40

*

20.40 «Олтин даргоҳ остонасида». Телекўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 3-серия.
22.50 — 23.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 21.40 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Таклифлар ва ташрифлар».
20.35 «Дилрабо тароналар».
20.45 «Азизим».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 «Олтин хазина».
23.05— 23.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.25 «Хаёт сабоқлари». Публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Болалар учун. «Соғломжон-полвонжон».
10.20 Янги алифбони ўрганамиз.
10.50 «Инсон ва замин». Тележурнал.
11.15 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан кутади!».
11.40 «Жараён».
12.05 «Танаффус № 5» Мультфильм.
12.15 «Спортчилар сулоласи».
12.30 «Кундузги сеанс». «Муқаддима». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Зийнат».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фил учун совға». Мультфильм.
18.20 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси-да.**
22.05 «Оромижоним, қайдасан». Мусиқий дастур.
22.40 «Ёзув столидан репортаж».
23.05 «Ахборот».
«Сомон йўли» маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси:
23.30 1.»Абадият қўшиғи».
2. «Ипак йўли — маърифат йўли».
3.«Нотаниш дил суҳбати».
00.30 — 00.35 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун концерт..
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесерил.
18.50 «Дилнавоз садолар».
19.00 «Катта танаффус». Телеўйин...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табобат оламида».
20.15 «Одобнома».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сир».
21.20 «Мусиқа теграсида».
21.40 «Одамлар орасида».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оилавий экран. «Илон қиз». Бадиий фильм. 1-серия. (Ҳиндистон).
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 «Илон қиз». Бадиий фильм. 2-серия.
00.45—00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.40

*

20.40 «Балеро». Фильм-концерт.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Мушкетёрлар 20 йилдан сўнг». Бадиий фильм. 4-серия.
23.05 «Нафосат оламида». Телефильм.
23.25 — 23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 «Минг бир маслаҳат».
19.20 «Голландия қишлоқ хўжалиги».
19.35 «Телеташриф».
19.55, 23.10 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.15 «Интерспорт».
21.35 «Ҳамшаҳарлар».
21.55 «02» тўлқинида.
22.10 «Каталог».
22.20 «Хаммаси мода ҳақида».
22.40 «Дарвоқе...».
23.15 «Киносалон».
00.35 — 00.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Оҳангга тўлсин диёр». Мусиқий дастур.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Оламни асранг».
9.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Дўстлик чегара билмайди».
10.30 Немис тили.
11.00 «Меҳр макони».
11.20 «Харита». Халқаро шарҳ.
11.35 «Соз сеҳри». Мусиқий кўрсатув.
12.05 «Нима бўпти лақабли бегемот». Мультфильм.
12.15 «Илм ўзликни билмакдур».
12.35 Кундузги сеанс. «Доктор Жекл ва мистер Хайднинг ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
14.10 — 14.25 «Бизни кутар нурли манзиллар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳа, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
18.35 Шеър ва шуур.
18.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.05 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси-да.
22.05 Санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти.
22.40 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.50 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.40 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Кинокўзгу».
20.15 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тақдим».
21.15 «Сёгун». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Саргузашт фильмлар экрани.
23.15 Бокс. Бокс. Бокс.
23.35 — 23.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.50 Киноафиша.
17.55 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 9.00

* * *

18.00 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Брюс Ли ва аждаҳо зарби». Бадиий фильм.
22.55 — 23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05, 21.35 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Уй остонадан бошланади».
20.25 «Маънавият ва Ислом».
20.45 «Наволарда аён этсам».
21.05 «Дурдаршан».
21.40 Кинематограф.
23.00 Араб эстрадаси.
23.30 — 23.45 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Шоҳруҳ» клуби.
9.20 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
10.30 «Зиёрат».
10.40 «Олимп сари». Спорт дастури.
10.55 Теран томирлар.
11.25 «Ер васфи». Мусиқий дастур.
11.55 «Мушоҳада баҳси».
12.20 «Катта танаффус». Телеўйин.
12.50 «Менинг маҳаллам».
13.10 — 15.30 Кундузги сеанс. «Меҳрибонгинам». Бадиий фильм 1—2-сериялар. (Ҳиндистон).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Болаларга бахшида умр». Ш. Ёрматов.
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Хамма кўриши шарт... эмас».
22.30 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.55 Ҳазил.
23.05 «Имкон чўққилари».
23.15 Диққат, премьера. «Мерос». Бадиий фильм. 1-серия.
24.00 Футбол Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Нефтчи» (Фарғона).
00.45 — 00.50 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 А. Абдураззоқов. «Бойкенжаев ва бошқалар». Видеофильм.
9.25 Шарқ эстрадаси.
9.35 «Келин-куёв». Телешоу.
10.25 «Мухлисгача... ва ундан сўнг».
10.40 «Таурас куч тўпламокда». Телесериал.
11.20 «Фидойилар». А. Тарковский.
11.40 Спорт қитъаси.
12.10 Болалар экрани.
13.40 «Онагинам».
14.00 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.50 «Сир».
15.10 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.00 Дилнавоз садолар.
16.10 Хонадонингизга осойишталик тилаймиз.
16.40 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.25 «Тақдим».
17.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «ММ» шоуси.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дилбарим».
20.10 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ.
00.15 — 00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.35 — 22.25

*

22.25 Эълонлар.
22.30 «13 полиция маҳкамасига ҳужум». Бадиий фильм.
23.55—00.05 «Ҳайкалтарош». Телефильм.

IV

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Шанба эртаги».
11.35 — 12.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз! («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультфомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.50 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ассалом, Франция!».
21.10 «Осиё монитори».
21.30 Хит-коллекция.
21.55 Киносалон.
23.35 «Бу ажиб дунё».
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Демократия тамойиллари».
11.20 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.55 «Ҳиммат».
«Ёшлар» телеканали
12.20 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
12.40 «Эстрада ва ёшлар».
13.00 «Оқибат».
13.25 «Табассум кўчаларида».
14.15 «Санъат олами».
14.35 «Туркий қавмлар». Дўрмон.
14.50 — 15.50 «Ҳамма кўриши шарт...эмас».

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Трактор» (Тошкент). Танаффус пайтида — «Мультолам».
18.50 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Яқшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.45 Телевизион миниатюралар театри.
Спорт дастури:
22.20 1. Спорт, спорт, спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.
«Аср мўъжизаси». кинодастури:
23.20 Кино янгиликлари.
23.35 Ўзбек киноси ижодкорлари.
23.55 «Маҳфий дипломатия». Бадиий фильм. 5-серия.
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
8.25 Эмин Усмонов. «Қўриқхонада». Видеофильм.
9.40 «Гулдаста». Мусиқий дастур.
9.50 Саргузашт фильмлар экрани.
10.35 «Дилбарим».
10.50 «Таурас куч тўпламокда». Телесериал.
11.30 «Дойче Велле» тақдим этади...
11.50 Болалар экрани.
«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ:
13.20 Кўрсатувлар дастури.
13.25 Жаҳон халқлари эстрадаси.
13.45 «Нью-Йорк». Телесериал.
14.35 Интер-футбол.
15.15 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.05 «Сиз ёқтирган қўшиқлар».
16.20 «Бари ҳазил».
16.30 Мультипанорама.
17.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.40 «Қалб таронаси».

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бўш ўтирма».
18.35 «Турфа олам».
19.00 «Нафосат».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.55, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Изҳор».
20.20 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 Миллионлар ўйини.
22.15 «Даракчи».
22.25 «Жараён».
22.45 Якшанба кинозали.
00.25 — 00.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.15 — 23.40

*

23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип-антракт.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
14.00 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип-антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.40 Клип-антракт.
16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

*

18.45 «Мультфомоша».
19.00, 21.50 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.45 Клип-антракт.
19.55 «Бугунги кун мавзуси».
20.10 «Хайрли оқшом».
20.40 «Мусиқий Олимп».
21.00 Иштирок этувчилар.
21.20 Жаҳон киноси янгиликлари.
21.55 Киносалон.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

БУГУНГИ ПАРИЖ. Владимир ПАНОВ олган сурат.

Голландия пойтахти — Амстердам кўринишлари. Владимир ПАНОВ олган сурат.

Ажиб дунё

Дунёда нима кўп, турли хил дўконлар кўп. Кийимбош дейсизми, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўконми? Хуллас, истаганча турини санаб ўтиш мумкин. Лекин кулгу дўкони ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Албатта, сиз ўйлаганда у ерда кулгу сотилмайди. Гап бошқа ёқда.

Аргентинанинг нақд юраги Буэнос-Айресда «Кулгу дўкон»и иш бошлади. Шарти бор. Харидорнинг кайфияти ҳар хил бўлиб, дўконга кириши мумкин. Айтайлик, жуда зўр, руҳингиз баланд. Ёки акси. Хуллас, бундан қатъи назар дўконга кирасиз, расталардаги маҳсулотларни қараб чиқасиз-де, агар баҳоси 100 долларгача бўлган бирор нарса-

ҲАЗИЛКАШГА ТЕКИНДИР

ни харид қилмоқчи бўлсангиз текин олишга бир уринасиз. Сотувчини қандай бўлмасин бир мириқиб кулдиришга эришасиз. Ана, мол, сизники, теппа-текин қўлтиққа уриб кетаверинг. Агар... Кулдиролмасангиз, куйинманг, пулини тўлайсиз, андак чиқимдор бўласиз, холос.

Дўкондорларнинг мақсади нима ўзи, деган савол туғилиши мумкин. Нима, улар мазза қилиб кулиб, кайфиятини кўтарадиган, шаҳарда бирор маданий ҳордиқ маскани йўқми? Йўқ эмас, бор. Фақат харидорлар бунинг учун аввало, ўзлари хушкайфиятда дўконга киради, яхши, кулгули мавзуларда суҳбатлашади. Бу билан улар ўзининг ҳ

Шеър ва шуур

ИСТАРМАН

Менинг кўнглимни банд эттан, гўзал гул юзни истарман,
Умидим сарбаланд эттан, ширин сўз қизни истарман.

Нигоро сиз сеҳрлабсиз, жигар-бағрим муҳрлабсиз,
Илҳақ кўнглимни боғлабсиз, қоши-қундузни истарман.

Равон эрмас хатинг дерсиз, ошмасин диққатинг дерсиз,
Ажойиб шафқатинг дерсиз, меҳрли кўзни истарман.

Хато қилмай дея жоним, хижолатда пок имоним,
Олов қалбли сухандоним, шифокор қизни истарман.

Нафосатли ўзингизга, фасоҳатли сўзингизга,
Сертабассум юзингизга, ошиқман, сизни истарман.

Исмингизни яширгайман, меҳрингизни оширгайман,
Замон каби шоширгайман, ёруғ юлдузни истарман.

Гулим менга кўзу-қошсиз, вафо бобида дилкашсиз,
Асал янглиғ паривашсиз, Шоший мен, сизни истарман.

БОҒБОН ҚИЗ

Хиёбонда сайр эттан чоғинг,
Гуллар қолиб сенга боқурман.
Гул юзингга ўхшайди боғинг,
Булбул мисол қанот қоқурман.
Ёқут лабининг боғим гилоси,
Нигоҳингда баҳор жилоси.

Пешонангда оқ ипак рўмол,
Тер тўкасан елиб, югуриб,
Ухламайсан қошлари ҳилол,
Қуёш билан баробар туриб,
Танга ором кўклам ҳавоси,
Нигоҳингда баҳор жилоси.

Кўзларингми ёки жуфт юлдуз,
Боққан оним қўяр сеҳрлаб.
Ҳаёлингда кеча-ю кундуз,
Ором бермас бағримдаги қалб.
Бу кўзларнинг бўлай адоси,
Нигоҳингда баҳор жилоси.

Висолинг-ла айлагил шодон,
Раво кўрма зарра изтироб.
Қалбим аро яшагил жонон,
Мен хижронга беролмасман тоб.
Бирга бўлмоқ дил муддаоси,
Нигоҳингда баҳор жилоси.

Сиддиқхўжа ШОШИЙ

СОАТСОЗ

Ҳар касбнинг сир-асрори бўлади. Соатсозлик эса жажжи мурватларнинг занжирли ҳалқадек ўзаро боғлиқлиги туфайли мураккабдир. Рустамжон ана шу касбни тутганлардан бири.

У жуда ёшлигиданоқ ўзи учун жумбоқдек туюлган соат мурватларининг ишлашига маҳлиё бўлганди. Шу сабабдан ўрта мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай соатсозлик касбини эгаллашга аҳд қилди. Унинг тиришқоқлиги, зийраклигини кўрган устози «сендан одам чиқади» деган бир оғиз сўзи унга қанот бағишлади. Кўп ўтмай Тошкент шаҳридаги «Марҳабо» акциядорлик жамоасидаги усталар сафига қўшилди. Обрў-эътибор топди. Ўтган ана шу 18 йил давомида у минглаб одамларнинг ҳожатини чиқарди. Мурватларнинг у билмаган сирсиноати қолмади. Эндиликда Рустамжон Қўчқоров ишлаётган 1-«А» бўлимини сўраб-суриштириб келадиган мижозлар оз эмас.

— Бажарган ишингиздан мижознинг кўнгли тўлсагина сизни сўроқлайди — дейди уста. — Кунига 10-15 мижознинг ҳожатини чиқаришга тўғри келади. Одамларга кераклигингни ҳис этиш, уларнинг ҳожатини чиқаришдан ҳам тотлироқ нарса бўлмаса керак.

Мурод ЮСУПОВ
Ш. АКРОМОВ олган сурат.

«САНЪАТНИ ПУЛ БИЛАН ЎЛЧАМАЙМАН»

Муҳаммадкарим Сойипов ўз созига, овозига эга бўлган санъаткорлардан. У куйлаган ҳар бир қўшиқ — баъзан ширин севги изтироблари ёдингизга солса, баъзида ҳижрон, аламдан «сўзлайди». Гоҳида дил ўртанади. Ўзининг юрак хазинасида юздан ортиқ бебаҳо қўшиқни авайлаб-асраётган ҳофиз билан бир чимдимгина суҳбатлашдик.

— Ҳақиқий санъаткор қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

— Энг аввало, санъат бу ҳақиқий талантлар мактабидир. Ана шу улуғ ва табаррук даргоҳни саждагоҳдек асраган инсонларгина санъат осмонида нурли юлдуздек чарақлайверади.

Уни бойлик орттириш йўли, деб ўйлаганлар янглишади. Улар тубсиз жарликка қулаган қушдек чилпарчин бўлади.

— Кейинги пайтларда турли гуруҳ, қўшиқчи, ансамбллар кўпайгандан-кўпайди...

— Лекин ҳақиқий қўшиғу, ҳофизлар кам демоқчисиз. Фикрингизга қўшиламан. Кези келганда бир нарсани айтиб ўтай. Ҳар бир яратилаётган асар инсоннинг юрак тўридан, қалб қўридан дунёга келмас экан, унинг умри қисқа бўлади. Эрта баҳорда қовжираган гиёҳ мисоли ҳазон бўлади.

Қўшиқ ҳам шундай. Авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган ўша — вужудингизни, бутун борлиғингизни сел қилиб, дилларга ором бағишлайдиган қўшиқлар ҳозир ҳам эл оғзидан тушмайди. Демак — яхши қўшиқнинг умри барҳаёт. У ҳеч қачон унутилмайди.

— Ана шундай қўшиқлар ҳозир ҳам яратиляптими?

— Албатта! Мустақиллик йилларида Ватанни, ҳурликни тараннум этувчи кўплаб қўшиқлар яратилди. Лекин, бу билан чегараланиб қолмаслик керак. Биз ўша буюк сиймоларнинг анъаналарини давом эттирган ҳолда миллий санъатимизни жаҳонга янада кўз-кўз қиладиган даврлар келди. Ишонасизми, шундай чексиз имкониятларимиз борлигидан ғурурланиб кетаман. Бизнинг ҳам кўпгина санъаткорларимиз жаҳон юлдузларидан кам эмас. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов:

Бир бозор орзу қилурмиз,
Номи Туркистон бўлур.
Мағрибу машриқ элида
Шуҳрати достон бўлур...

деган эдилар. Демак — миллий санъатимизни жаҳонга янада достон қиладиган кунлар келди.

— Кечирасизу, айрим қўшиқчилар чет эл мусиқасини ҳам миллийлаштиришга ҳаракат қилаяпти. Бу «кўчирмачи»лик билан жаҳон майдонига чиқиб бўлармикин?

— Тўғри. Аччиқ ҳақиқатни тан олиш керак. Буни санъатга, ўз касбига, халқига бўлган ҳурматсизлик, деб биламан. Бу одатни «касб» қилганлар узоққа боролмайди, албатта. Улар боши берк кўчага кириб қолади. Ўз манзилига етгач, ортига ҳам қайтолмайди...

Яна шундай ҳофизлар борки, йўқ шеърга аввал мусиқа яратишади. Гўёки туғилмаган чақалоққа исм қўйгандек. Сўнгра, оёқланг бўлиб шеър излайди. Шундай ҳофизларга тилагим: юрак буюрганига амал қилиб яшанг! Шунда кам бўлмайсиз.

Изланиб, интилиб, мақсад сари ижод қилаётганлар эса сўқмоқлар оша равон йўлни — ҳақиқий санъат йўлини топади. Бунга ишончим комил.

— Узоқ вилоятдан мухлисингиз яхши кунини ўтказиб беришни илтимос қилиб келди...

— Саволингизга тушундим. Ҳеч қачон шунча пул бўлади, деб айтмаганман. Бундан кейин ҳам шу қоидамга риоя қилиб яшайман. Худога минг шукр, ўзимга яраша бой-бадавлатман. Мени излаб, яхши ният билан келибдими, демак бу насиба... Халқим мен ҳақимда ҳавас-ла қолишини хоҳлайман. Яхши кунларни ҳеч қачон пул билан ўлчаган эмасман.

— Сиз учун саҳнада қўшиқ айтиш осонми ёки тўйларда?

— Тўй — санъаткорни «пиширади». Элга танитади. Қолаверса, саҳнага тайёрлайди. Чунки тўйларда турфа феъллли инсонлар билан муомала қилишга тўғри келади. Билмаганингни халқдан ўрганасан. Шундагина саҳнада қўшиқ айтса бўлади. Лекин, устасига фарқи йўқ, деган гап ҳам бор...

— Қўшиқ яратаётганда асосан нималарга эътибор берасиз?

— Аввало, юрагимга қулоқ соламан. Шеър «жиз» этиб вужудимни эгалласа, демак қўшиқ бўлади. Мусиқа уни аллалайди. Тингловчи ором олади.

— Ёшликдаги орзуларингизни эсласангиз?

— Эҳ-ҳей, бир дунё эди. Аввал космонавт бўлмоқчи эдим. Сўнгра актёрликка қизиқиб қолдим. «Шоир» бўлдим...

— Бўш вақтларингизда нималар билан шуғулланасиз?

— Ҳақиқий ижод аҳли учун бўш вақт бўлмаса керак. Шеър — инсон кўнглидир. Зерикдим дегунча шеър ўқишга тутинаман. Шунданми, шеърий асарлар коллекциясини ҳам тўплаганман.

— Қайси шоирлар билан ҳамкорликда ишлайсиз?

— Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Ғанижон Холматов, Фахриддин Низомов ва бошқа кўплаб шоирларнинг шеърларини қўшиқ қилганман...

— Айни кезлардаги... орзуларингиз?

— Мустақил Ватанимиз, меҳнаткаш халқимиз ҳақида балладалар яратиш. Қолаверса, «Ўзбекнаво»га қайтиш. Катта истеъдод эгаси Анор Назаров билан ҳамкорликда ишламоқчиман.

Келажак орзуим эса бисёр. Жаҳон саҳналарида қўшиқ айтиш. Миллий қўшиқчилигимизни ривожлантиришда оз бўлса-да, ўз санъатим билан уни бойитиш...

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдумалик ҲАЙДАРОВ
суҳбатлашди.

Юлдузлар шуъласи

1998 йил 4 апрель куни «Нуриддинҳожи» фирмасининг бухгалтерия ҳужжатлари машина(такси)да қолиб кетган. Йўқолган ҳужжатларни эгасига қайтаришингизни сўраймиз. Суюнчиси бор.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Тўлқин ЭШБЕК
навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36.136 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 01119

Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди — 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«БЎШ ВАҚТ» ЎЙИНЛАРИ



ЭНИГА: 1. Бир аждод кишилари. 4. Қуёш ботиши билан тун бошланиш палласи. 7. Болгария пойтахти. 11. Миснинг кўрғошин, қалай ва алюминий билан қотишмаси. 12. Бирор фойдали ишнинг амалий мажмуи. 14. Қонунга зид ишни битириб бериш учун берилган пул ёки нарса. 15. Маҳкамлаш воситаси. 17. Ток манбасининг илдизга яқин қисми. 18. ...си очиққина қиз. 19. Кишилар, ташкилотлар ўртасидаги муомала, боғланиш воситаси. 21. Яхшиликка ёмонлик қиладиган киши. 22. Кийим-бош, пойабзал бичилган қоғоз. 23. Дўконлардаги намуналар қўйилган ойна. 25. Мақолдан: ....лар сўзи — ақлнинг кўзи. 26. Шоҳларнинг рамзли бош кийими. 28. Йигитга унаштирилган қиз. 29. Мусиқада ҳамоҳанг бир неча товушларнинг бирданига чалиниши. 31. Ғарбий Африкадаги давлат. 32. Эътиқод, ишонч. 33. Майин шамол. 36. Углерод ва водород бирикмасидан иборат газ. 38. Ҳарбийларнинг мунтазам қатори. 40. Геометрик шакл. 41. Денгиз ҳайвони. 42. Кўмондон, бошлиқ. 44. Дон, ғалла бозори. 46. Аёлларнинг миллий узун ички кийими. 47. Найза солиб отиладиган қурол. 48. Йўғон махсус арқон, канат. 50. Расмий ҳужжат. 52. Ибора: ...ни йўқласанг бўлмасмиди. 53. Сифат жиҳатидан етишмовчилик, камчилик. 55. Далилларга асосланган фильм. 56. Вилоят, шаҳарларнинг таркибий қисми. 57. Она юрт. 58. Отанинг акаси ёки укаси.

БУЙИГА: 2. Италия пул бирлиги. 3. АҚШнинг Колорадо штатининг пойтахти. 5. Ипакдан тўқилган газлама. 4. Волида. 6. Шахмат ўйинидаги ҳолат. 7. Тиламчиларга бериладиган хайр-эҳсон. 8. Қарзга олинган пулдан пул эгасига тўлаб турилдиган ҳақ, фойда. 9. Фарғона вилояти Ўзбекистон туманининг маркази. 10. Абхазиянинг оромгоҳ шаҳри. 11. Қўй сутидан тайёрланган пишлоқ. 13. Намознинг бир қисми. 15. Тафаккур ҳақидаги фан. 16. Мусулмон феодал олий ҳукмронининг унвони. 18. Бўяш, оқлаш учун асбоб. 20. Мева. 23. Тахт вориси. 24. Ким ошди савдоси. 25. Қимматбаҳо табиий тош. 27. Шимолнинг акси. 28. Йил фасли. 30. Илоҳиётга асосланган дунёқараш. 34. Нефть маҳсулоти. 35. Илм-фанни мукаммал эгаллаган илмли одам. 36. Мослама воситасида вужудга келган зўр таъсир. 37. Кемани юргизадиган катта, кенг чодир. 39. Буйруқ, топшириқ. 40. Сув, чуқурлик устига қурилган йўл, иншоот. 42. Бир кеча кундуз. 43. МДҲдаги давлат. 44. Ҳашаматли, кўркам бино. 45. Фарғона водийсидаги дарё. 49. Келишув. 51. Қўлнинг билак учидан бармоқларгача бўлган ички яхлит қисми. 52. Ўзбек хонликларидан бири. 54. Сорт. 55. Сигаретанинг номи.

Тузувчи: Маҳмуд МАМАРАҲИМОВ

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 30 апрель, пайшанба куни чиқади).

Coca-Cola® Ўзбекистон теннис командасини Дэвис Соврини мусобақасида эришган ютуқлари билан чин юракдан табриклайди

НАВОИЙ ВИЛОЯТИНИНГ «БАЛИҚЧИЛИК» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҲИССАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Навоий вилоятининг «Балиқчилик« ҳиссадорлик жамияти 15 май куни соат 10 да корхона жамият аъзоларининг умумий мажлисини ўтказади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ҳиссадорлик жамиятининг 1997 йил иш якунлари тўғрисида ҳисобот.
2. 1998 йил режаларини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ва аудиторлик текшируви якунлари тўғрисида ҳисобот.
4. 1998 йил бўйича диведент миқдорини тасдиқлаш ва тарқатиш муддатини белгилаш.
5. Бошқарув идораси тафтиш ва кузатиш комиссияларининг иш юритиш Низомини тасдиқлаш.
6. Турли масалалар.

МУҲТАРАМ ЖАНОБЛАР!
«Ўзметаллсавдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти

ёпиқ ва очиқ омборхоналарни ҳамда офис учун хоналарни ижарага беради. Темир йўл подъезд йўли бўлган шаҳобчага ҳам эга.

Шунингдек, камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган юқори малакали юрист керак.

Манзилгоҳ: Тошкент - 700053, Уста Ширин кўчаси, 136.
Тел: 48-07-33, 48-51-51, 48-51-32.
Факс: 48-08-92.